ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚЎРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

| | |
|---|---|
| **"ТАСДИҚЛАЙМАН"** | **"КЕЛИШИЛДИ"** |
| ТАЙЛҚЭИ ректори | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| А.А.Рискулов | |
| 2019 йил "9" 07 | 2019 йил "09" 10 |
| | Рўйхатга олинди: № БД-5310600-4.04 |
| | 2019 йил "17" 08 |

# АВТОМОБИЛЛАРДА ТАШИШ ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

## ФАН ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 30000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа |
| **Таълим соҳаси:** | 310000 - Муҳандислик иши |
| **Таълим йўналиши:** | 5310600 - Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатациям (автотранспорт) |

**Тошкент -2019**

Scanned by CamScanner

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил "___"_________ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил "___" _____даги ______ -сонли буйруги билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Арифжанова Н.З. - ТАЙЛҚЭИ «Транспорт логистикаси» кафедраси катта ўқитувчиси

Карриева Б.К. - ТАЙЛҚЭИ «Транспорт логистикаси» кафедраси катта ўқитувчиси

**Тақризчилар**:

Худойберганов С.Қ. – ТошТЙМИ "Темир йўлдан фойдаланиш ишларини бошқариш" кафедраси доценти, т.ф.н. *(Турдош ОТМ)*

Муродов А.С. – ТАЙЛҚЭИ «Транспорт логистикаси» кафедраси катта ўқитувчиси

Фан дастури Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатац[иаси] институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201__ йил "___"_____________ даги "____" – сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 октябрь куни Тошкент шаҳрига ташрифи давомида ва фаоллар билан ўтказилган учрашувида берилган топшириқларининг баёнини 12-бандига мувофиқ Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти томонидан бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастурлари ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгидан кўриб чиқилди.

Ҳозирги давр шароитида жаҳон иқтисодиётида автомобиль транспорти асосий ички транспорт ҳисобланиб, у мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлашда етакчи ўринни эгаллайди.

Автообиль транспорти воситаларини юқори даражада қўлланилиши унинг иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, меҳнат бозорида, қурилишда, савдо ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Автотранспорт корхоналарида юк ва йўловчиларни ташиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг илгор усул ва воситаларини танлашга алоҳида эътибор берилади.

"Автомобилларда ташиш ва ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари" фани мутахассислик фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 4 курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида кўзда тутилган умумкасбий ва мутахассислик фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

## II. Ўқув фаннинг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад тайёрланаётган мутахассисга автомобилларда ташиш ва уни ташкил этиш соҳасида автомобиллардан юқори даражада фойдаланиш, уларнинг атроф муҳитга таъсирини камайтириш муаммолари ҳақида назарий ва амалий билимлар бериш, унда фанга, ўз касбига қизиқишни орттириш каби сифатларни шакллантиришдан иборат.

Ушбу фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, автомобилларда юк ва йўловчиларни ташиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

- транспортда юк ва йўловчилар йўловчилар ташишнинг асосий элементлари;
- автомобилларни асосий иш кўрсаткичлари;
- автомобиллар иш унумдорлиги;
- йўл ҳаракатини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари;
- йўл шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- автомобилларни танлашни;
- автомобиллар ҳаракатини ташкил этишни;
- транспортда ортиш-тушириш ишларини этишни;
- автомобилларда йўловчилар ташишни ташкил этишни;
- йўл-транспорт ҳодисалари таърифи, турларини;
- хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашда автомобиллар техник ҳолатининг аҳамиятини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- автомобиллар иш кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- йўловчилар ташиш ишларини такомиллаштириш;
- йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг кўрсаткичларини аниқлаш;

– йўл ҳаракатини ташкил этишнинг услубий асослари ва амалий тадбирларини ишлаб чиқиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**1-модул. Автомобилларда ташиш**

**1-мавзу. Автомобилларда юк ва йўловчилар ташиш асослари фанининг предмети ва вазифалари. Автомобиль транспорти воситалари**

Транспорт тўғрисида асосий тушунчалар, уни Ўзбекистон Республикаси иктисодиёт соҳаларини ривожланишидаги ўрни. Республика мустакиллигини мустаҳкамлашдаги транспортнинг асосий вазифалари.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноати ва транспортини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари.

Автомобиль транспорти воситаларининг асосий техник-эксплуатацион хусусиятлари амалиётдаги аҳамияти: динамиклик, ёнилги иқтисодлиги, бошкарувчанлик, ҳаракат турғунлиги, ўтағонлик, сиғимчанлик, мустаҳкамлик, чидамлилик, ҳаракат равонлиги, ортиш-тушириш ишларига мослиги вā бошқалар. Транспорт воситалари таснифи. Автомобиллар ўлчами ва масса кўрсаткичларининг чегаравий ўлчамлари.

**2-мавзу. Автомобиль транспорти воситалари иш шароитлари**

Автомобиль йўлларининг таснифи. Шаҳар ичи йўл алоқаларининг таснифи. Автобуслар тўхташ жойлари. Автомобиль йўллари ва алоқаларга қўйиладиган талаблар.

**3-мавзу. Автомобиль транспортида юк ташиш асослари**

Автомобиль транспортида юк ташишни ташкил этиш асослари. Юк тушунчаси. Юкларнинг хусусиятларига кўра таснифланиши. Тара ва унинг хизмати. Тараларга қўйилувчи талаблар. Таралар тури ва уларни маркировкалаш. Контейнерлар ва тагликлар. Юк ҳосил қилувчи ва юк қабул этувчи жой (пункт) лар. АТК юк ташиш ҳажми ва юк обороти. Юк оқими, унинг эпюраси ва схемаси.

**4-мавзу. Ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари**

Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш. Автомобилларда йўловчилар ташиш таърифи ва таснифи. Автомобилларда юк ташиш таснифи. Ташишни ташкил этиш тамойиллари.

**5-мавзу. Автомобиль транспорти асосий иш кўрсаткичлари**

Умумий тушунчалар. Автомобиль саройи ва ундан фойдаланиш. Автомобиль саройининг таркиби ва қуввати. Маршрутларда автомобилларни ишлатиш: транспорт воситалари юк кўтариш (йўловчилар сиғдира олиш) қобилияти ва ундан фойдаланиш, транспорт воситалари қатнов масофаси ва ундан фойдаланиш; бир суткада ўртача босиб ўтилган масофа; юкли ўртача қатнов масофаси, юк ташиш ўртача масофаси, йўловчилар алмашув коэффициенти ва йўловчилар ўртача қатнов масофаси; йўловчилар ўртача юриш масофаси ва уларнинг алмашиш коэффициенти. Транспорт воситалари иш режими. Ҳаракат тезликлари.



**6-мавзу. Транспорт воситаларининг иш унумдорлиги**

Транспорт воситаларининг иш унумдорлиги ва унга таъсир этувчи асосий техник-эксплуатацион омиллар: автомобилнинг юк кўтарувчанлиги ва ундан фойдаланиш коэффициенти; босиб ўтилган йўлдан самарали фойдаланиш коэффициенти; ўртача юкли қатнов масофаси; техник, тезлик; ортиш-тушириш (чиқиш-тушиш) вақти.

**7-мавзу. Юк автомобиль транспорти воситаларини танлаш ва ҳисоблаш**

Юк автомобиль транспорти воситалари танловига асосий талаблар. Универсал (бортли) автомобил ва самосвал (ўзи ағдарувчи ёки ортувчи) автомобиллардан фойдаланиш. Автопоезд ва якка автомобилдан фойдаланиш. Автомобилларда юк ташишнинг моки усули. ТВ ҳисоби ва уларни эксплуатация қилиш дастури.

**8-мавзу. Маршрутда ишловчи транспорт воситалари иш ҳисоби**

Бир томонлама юкли қатновчи маятник маршрут иш ҳисоби. Икки томонлама юкли қатновчи маятникли маршрут иш ҳисоби. Орқа йўналишда қисман юкли қатновчи маршрут иш ҳисоби. Ҳалқасимон маршрут иш ҳисоби. Бир гуруҳ маршрутда юк ташувчи транспорт воситалари иш ҳисоби ва уларнинг ўртача иш кўрсаткичларини аниқлаш.

**9-мавзу. Юк ташишни ташкил этиш тизимлари**

Бир турли ҳажми катта юкларни ташиш. Кам миқдорли юкларни ташиш. Контейнер ва тагликларда юк ташишни ташкил этиш. Контейнерлар майдони ва алмаштириш пунктлари.

**10-мавзу. Юк автомобили ҳаракатини ташкил этиш**

Автомобиль транспорти воситаси ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари. Линияда ташишни ташкил этишга асосий талаблар. Йўл ҳаракати зичлиги. Ҳаракатни ташкил этиш ва унинг чизмаси. Линия иши чизмалари. Ҳайдовчилар иш режимлари.

**11-мавзу. Юк ташишда ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш**

Ортиш-тушириш ишлари тавсифи. Ортиш-тушириш пунктлари ва уларнинг ўтказувчанлиги. Уюлиб ташилувчи юкларни ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва уларни механизациялаш. Оғир вазнли юкларни ортиш-туширишда ишлатилувчи стационар ва кўчма кранлар. Юкларни илиш ва уларни суриш жиҳозлари.

**12-мавзу. Йўловчиларни ташишнинг асосий элементлари**

Йўловчилар ташиш автомобиль транспорти. Йўловчилар ташувчи автомобиль с307ойларининг мулкчилик шакллари. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш. Йўловчилар оқими ва обороти. Шаҳар транспорти шахобчалари. Шаҳарлардаги автобус ишларининг асосий элементлари. Енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш.

**2-модул. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари**

**13-мавзу. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари**

Автомобиллаштириш, унинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишига таъсири. Ўзбекистон Республикаси автомобиллаштириш ва йўл тармоқларини ўсиш

кўрсаткичлари. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги асосий тушунчалар «Автомобил-хайдовчи-йўл-атроф-муҳит» тизимининг ўзаро боғлиқлиги. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва халқаро меъёрий ҳужжатлар.

### 14-мавзу. Йўл ҳаракатининг асосий тавсифлари

Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар. Транспорт оқими жадаллиги ва тартиби, уларнинг йўналишлари, йил, ойлар давомида ва куннинг соатлари мобайнида ўзгариши. Транспорт оқимининг йўл шароитига, жадаллигига нисбатан транспорт воситаларининг тезлигини ўзгариши. Транспорт оқимининг зичлиги, ўтказиш қобилияти ва юкланганлик коэффициенти кўрсаткичларини ўзгариши.

### 15-мавзу. Йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) ва уларнинг кўрсаткичлари. ЙТҲ таъри[illegible] турлари, улар миқдори ҳақидаги маълумотлар

ЙТҲ ни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари. ЙТҲ тўғрисидаги маълумотлар йиғиш тизими. ЙТҲ ни вужудга келишда йўл шароитининг роли. ЙТҲ ни вужудга келишда транспорт воситаларини техник ҳолатини таъсири. ЙТҲ вужудга келишда ҳайдовчиларнинг ўрни. Автотранспорт ишлаб чиқариш ва йўл ташкилотларида ЙТҲ ни ҳисобга олиш. ЙТҲ ни йиғиш ва таҳлил қилишда ЭҲМ нинг ўрни. ЙТҲ натижасида вужудга келувчи зарарни баҳолаш.

### 16-мавзу. Йўл шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири

Автомобиль йўлларини мавсумий текшириш ва кундалик назорат қилишни ташкил этиш. Йўлнинг геометрик параметрлари, ҳолати ва жиҳозланганлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш. Йўлни текширишда ҳаракатланувчи лабораториялардан фойдаланиш. Ҳаракатланиш учун хавфли йўл бўлакларини аниқлаш усуллари. Хавфсизлик коэффициенти. Ҳалокатлик коэффициенти. Ҳаракатланиш учун хавфли бўлакларни аниқлашда статистик ва зиддиятлик вазият усули. Йўл элементларининг фаол, пассив, ҳалокатдан кейинги ва экологик хавфсизлиги.

### 17-мавзу. Хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашда транспорт воситаларини техник ҳолатининг аҳамияти

Автомобилларнинг конструкциясини ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашд[illegible] роли. Конструктив хавфсизликга қўйиладиган замонавий талаблар. Транспорт воситала[illegible] конструктив хавфсизлик турлари. Автомобилни фаол хавфсизлиги. Автомобилни суст хавфсизлиги уни баҳолаш. Авариядан кейинги ва экологик хавфсизлик.

### 18-мавзу. Ҳайдовчи ва унинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни

Ҳайдовчини характерловчи кўрсаткичлар. Ҳайдовчини руҳий ҳолати ва унинг биологик имкониятлари. Ҳайдовчи меҳнатини ташкил этиш. Ҳайдовчилик касбига муносибликни аниқлаш. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш. Ҳаракатланиш хавфсизлиги ва алкогол.

### 19-мавзу. Ҳаракатни бошқаришнинг техник воситалари

Йўл белгилари. Йўл белгиларини ўрнатишда қўйиладиган умумий талаблар. Йўл белгилари турлари. Йўл белги чизиқлари ва ишоралари. Йўл белги чизиқларини туширишга



қўйиладиган умумий талаблар. Горизонтал ва вертикал белги чизиқларини ишлатиш қоидалари ва ҳаракатни ташкил қилиш. Йўл тўсиқлари ва уларни қўллаш шароитлари. Йўналтирувчи қурилмалар. Ҳаракатни ташкил қилишда светофорлардан фойдаланиш. Светофор объектини ҳисоблашда ишлатиладиган асосий тушунчалар. Светофор турлари.

### 20-мавзу. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг услубий асослари ва амалий тадбирлари. Давлат ташкилотларининг ҳаракат хавфсизлиги соҳасини бошқаришнинг умумий тизими

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий услубий йўналишлари. Йўл ҳаракатини оператив ташкил этиш ва уларга керакли маълумотлар тўплаш. Хавфсиз ҳаракатланишни ташкил этишда қўшимча полосалар белгилаш усули. Чорраҳаларда ҳаракатни тартибга солишни амалий тадбирлари. Ҳаракат хавфсизлиги соҳасини бошқариш бўйича махсус ваколатли Давлат бошқарув органлари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ваколатлари.

### 21-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ асосий вазифалари

ЙТҲ ларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, суриштириш ишларини ташкил этиш Транспорт воситаларини руйхатга олишни ташкил этиш ва ҳайдовчилардан имтиҳон олиш.Йўл-патрул хизматининг асосий вазифалари.

### 22-мавзу. Автотранспорт корхоналарининг бошқарув тизими ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва стажировкаларини амалга ошириш

Автотранспорт корхоналарининг бошқарув тизими ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. АТКлари хизмат бўлимлари; АТК хизматлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; АТКларда хизматни ташкил этиш бўйича низомлар, АТКларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини режалаштириш. Автотранспорт корхоналари техника хизматининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги вазифалари. Автотранспорт корхоналарининг ходимлар бўлимининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти.

### 23-мавзу. Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи йўл ташкилотлари. Йўл қурилиш ташкилотларининг вазифалари; лойиҳалаш иштирокчиларининг вазифалари. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва тузатиш хизматининг ҲХ таъминлашдаги вазифалари (йўл-патрул хизмати). Автомобиль йўлларида ҲХ ташкил этиш хизмати.

## IV. Лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Лаборатория машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

### 1-модул бўйича

1. Транспорт воситалари эксплуатацион хусусиятлари
2. Юк ташиш маршрутларини тузиш
3. Транспорт воситаси унумига техник-эксплуатацион кўрсаткичлар таъсири

4. Транспорт воситаларининг маршрутлардаги иш кўрсаткичларини ҳисоблаш
5. Транспорт воситасини танлаш
6. Автотранспорт саройининг йиллик ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш
7. Кам миқдордаги юкларни ташишни маршрутлаштириш
8. Транспорт воситаси ҳаракат графигини тузиш
9. Йўловчилар оқимини кузатиш ва уни таҳлил этиш
10. Маршрутда ишловчи автобуслар сони ва ҳаракат интервалини аниқлаш

**2-модул бўйича**

1. Транспорт оқимининг миқдори ва таркибини реал йўл-кўча шароитида аниқлаш
2. Реал йўл-кўча шароитида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш.
3. Транспорт воситаларининг оний тезлигини мавжуд кўча шароитида аниқлаш
4. Мавжуд кўча шароитида аниқланган оний тезликни таҳлил қилиш
5. Реал кўча-йўл шароитида пиёдалар оқимини аниқлаш ва таҳлил қилиш
6. Йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжатларини тузиш ва таҳлил қилиш.
7. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ҳужжатларини ўрганиш.
9. Ҳайдовчиларнинг диққатини аниқлаш.
10. Йўл ва кўча шароитларида ўрнатилган техник воситаларни ўрганиш.
11. Техник воситаларни чизмада кўрсатиш.

Лаборатория машғулотлари мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ, гуруҳга иккита ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

**V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

**I-модул бўйича**

1. Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноати ва транспортини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари.
2. Автомобиль транспорти воситаларининг асосий техник-эксплуатацион хусусиятлари
3. Автомобиль йўлларининг таснифи
4. Юкларнинг хусусиятларига кўра таснифланиши
5. Таралларга қўйилувчи талаблар. Таралар тури ва уларни маркировкалаш. 6. Контейнерлар ва тагликлар.
7. Автомобилларда йўловчилар ташиш таърифи ва таснифи.
8. Автомобилларда юк ташиш таснифи.
9. Автомобиль транспорти асосий иш кўрсаткичлари
10. Транспорт воситаларининг иш унумдорлиги ва унга таъсир этувчи асосий техник-эксплуатацион омиллар
11. Юк автомобиль транспорти воситаларини танлаш ва ҳисоблаш
12. Юк ташишни ташкил этиш тизимлари



13. Юк автомобили ҳаракатини ташкил этиш
14. Юк ташишда ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш
15. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш. 16. Йўловчилар оқими ва обороти.
17. Шаҳарлардаги автобус ишларининг асосий элементлари.

**2-модул бўйича**

1. Ҳаракатни ташкил этишда «А-Х-Й-П-М» тизимининг ўзаро боғлиқлиги
2. ЎзР автомобиллаштириш ва йўл тармоқларининг ўсиш кўрсаткичлари
3. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар
4. Транспорт оқимининг жадаллиги ва таркибининг ўзгариши;
5. Транспорт оқимининг зичлиги, йўлнинг ўтказиш қобилияти ва юкланганлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш
6. ЙТҲ нинг таърифи, турлари ва уларнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар
7. ЙТҲ ни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари ва усуллари
8. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш тизими
9. ЙТҲнинг вужудга келишида автомобилнинг, ҳайдовчининг ва йўлнинг ўрни
10. Йўл шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири
11. Йўлнинг геометрик параметрлари, ҳолати ва жиҳозланганлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш
12. Ҳаракатланиш учун хавфли йўл бўлакларини аниқлаш усуллари
13. Хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашда транспорт воситалари техник ҳолатининг аҳамияти
14. Транспорт воситаларининг конструктив хавфсизлик турлари ва уларга қўйиладиган талаблар
15. Ҳайдовчи ва унинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни
16. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш; ҳаракат хавфсизлиги ва алкогол
17. Ҳаракатни бошқаришнинг техник воситалари;
18. Йўл белгиларини ҳар хил йўл шароитларида қўллаш ва улар ёрдамида ҳаракатни ташкил этиш
19. Йўл белги чизиқларини туширишга қўйиладиган умумий талаблар
20. Ҳаракатни ташкил қилишда светофорлардан фойдаланиш

**VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

**Асосий адабиётлар**


1. Б.А.Хўжаев-Автомобилларда юк ва йўловчиларни ташиш асослари Т.: "Ўзбекистон", 2002
2. Б.А.Хўжаев. Автомобилные перевозки. Т.:"Ўзбекистон", 1991
3.И.В. Спирин . Организация и управление пассажирскими автомобилными перевозками. М.: "Академия", 2010
4. Азизов Қ.Х. "Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Т.: "Фан ва технологиялар", 2009-244 б.
5. Йўл ҳаракати қоидалари. Т.-2016-77 б.
6. В.И.Конопленко и др. Организация и безопасность дорожного движения: Учеб.для вузов/ В.И.Конопленко . М.: "Высш.шк.", 2007-383 стр.
7. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасьев М.Б. Технические средства организации дорожного движения: Учебник для вузов – М.: ИКЦ «Академкнига», 2005 г., 279 стр.

## Қўшимча адабиётлар

8. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги Фармони ("Халқ сўзи", газетаси, 2017йил, 8 февраль)
10. Ш. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.: Ўзбекистон, 2017.
11.М.Е.Майборода, В.В.Беднарский. Грузовые автомобилные перевозки. Ростов-На Дону, "Феникс", 2008.
12. В.М.Беляев. Организация автомобильных перевозок и безопасность движения. МАДИ, 2014
13. И.С.Туревский. Автомобилные перевозки. М.: ИД "ФОРУМ-ИНФРА-М", 2009.
14. М.Е.Майборода, В.В.Беднарский. Грузовые автомобилные перевозки. Ростов-На Дону, "Феникс", 2008.
15. «Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари» «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» бакалавр йўналиши бўйича лаборатория ишларини бажариш учун услубий кўрсатма, Тошкент 2009, 24 б.
16. ШНҚ 2.07.01-03 Шаҳар ва қишлок аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш. Ўзбекистон Республикаси Давлат архетиктура ва қурилиш қўмитаси Т: 2003, 84 б.
17. Азизов Қ.Х. «Йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш асослари" ўкув қўлланма/ Т., "ТАЙИ", 2004 -71 бет.

## Интернет сайтлари

18. http://www.problema-logistic.ru/vid_1.html
19. http://www.twirpx.com
20. http://uchebnikionline.com
21. http://edu.logistics-gr.com
22. LEX.UZ - Ўзбекистон қонунчилиги.
23. www.car.uz
24. autotrans.uz
25.https://my.gov.uz